O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 27 апрель, № 80 (3879) Пайшанба

АЗАЛИЙ ДЎСТ ВА ЯҚИН ҲАМКОР

Ўзбекистон билан яқин дўст, ишончли ҳамкор бўлиб келган мамлакатлар талайгина. Уларнинг айримлари жуғрофий, айримлари миллий-маданий яқинлик туфайли, яна бирлари муштарак тақдир боис Ўзбекистонни ўзига яқин дўст ва ҳамкор санайди.

Ҳиндистон бизга тарихан ва маънан боғланган. Бу мамлакат цивилизация бешикларидан бири бўлганини, унинг қадимий фалсафаси ва бой маданиятини дунё эътироф этган. Шу билан бирга, Ҳиндистон улуғ бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари ҳукмронлик қилган пайтларда ўзининг олтин даврини бошдан кечирганини ҳам барча яхши билади. Бу сулола ҳали-ҳануз ҳинд халқининг ардоғида, Бобурийлар мероси эса Ҳиндистоннинг фахру ифтихори.

Ўзбекистон-Ҳиндистон муносабатлари шуниси билан ҳам диққатга сазоворки, тарих чарҳпалаги қай йўсинда эврилмасин, икки ўртада алоқа узилмаган. Ҳали эркимиз қўлимизда бўлмаган даврда ҳам Ҳиндистон раҳбарлари неча бор Ўзбекистонга ташриф буюргани, Тошкентда ўтадиган халқаро кинофестивалнинг энг кўп сонли ва энг ардоқли қатнашчилари ҳам шу ўлка вакиллари бўлганини ёдга олиш кифоя.

Турли замонлар синовидан ўтган, халқларимизнинг азалий дўстлигига асосланган ўзаро муносабатлар истиқлол йилларида янги давр руҳида ривожлана бошлади. Ҳиндистон Ўзбекистон билан мунтазам олий даражадаги мулоқотларни йўлга қўйган мамлакатлардан биридир. Икки мамлакат раҳбарлари Деҳлида, Тошкентда, турли халқаро ташкилотлар анжуманларида учрашган, ўзаро муносабатларга доир масалалар ва долзарб халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан 25 апрель куни Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Манмоҳан Сингх расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Дўрмон қароргоҳида 26 апрель куни олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Ҳиндистон Бош вазири Манмоҳан Сингх шоҳсупага кўтарилдилар. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Манмоҳан Сингх фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Маросимдан кейин Ислом Каримов ва Манмоҳан Сингхнинг яккама-якка учрашуви бошланди. Унда Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларини янада ривожлантиришга, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий алоқаларни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Ислом Каримов Ҳиндистон Бош вазирининг ташрифи олий даражадаги икки томонлама мулоқотларнинг, жумладан, ўтган йилнинг апрелида Деҳлида ўтган Ўзбекистон — Ҳиндистон саммитининг узвий давоми эканлигини таъкидлаб, ушбу изчиллик ҳамкорликни ривожлантиришга икки давлатда ҳам иштиёқ кучлилигидан далолат беришини қайд этди.

Ҳиндистон Бош вазири Ўзбекистонга таклиф этгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, ушбу ташриф ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтаришига ишонч билдирди.

Суҳбат чоғида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар, хусусан, террорчилик ва экстремизмга қарши кураш масалаларига эътибор қаратилди. Томонлар ушбу мавзу муҳокамаси чоғида ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Ислом Каримов ва Манмоҳан Сингх террорчиликка қарши кураш бўйича қўшма ишчи гуруҳи фаолияти такомиллашиб бораётганини қайд этдилар. Бу гуруҳ ўтган йил охирида Деҳлида мажлис ўтказган эди. Яқин кунларда Тошкентда унинг навбатдаги йиғилишини ўтказиш режалаштирилган.

Афғонистондаги вазият ҳам муҳокама қилинди. Ушбу мамлакатда барқарор тинчлик ўрнатилишидан икки томон ҳам бирдай манфаатдор. Зеро, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида Эрон транспорт коммуникацияларидан фойдаланган ҳолда Афғонистон ҳудуди орқали қулай ва арзон савдо йўли ишга тушса, бу улкан минтақалар ва катта бозорлар ўртасидаги алоқаларни кучайтиради.

Ўзбекистон Президенти ва Ҳиндистон Бош вазири иштирокидаги икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи таҳлил этилди. Томонлар аввалги саммитларда, жумладан, Ислом Каримовнинг 2005 йил апрель ойидаги Ҳиндистонга давлат ташрифи чоғида имзоланган келишувларни ҳаётга татбиқ этишнинг боришини кўриб чиқиб, бу ҳужжатларда белгиланган мақсадларга эришишнинг муайян чора-тадбирлари юзасидан фикр алмашдилар.

Айни пайтда савдо ва сармоя соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Жумладан, тоғ-кон, нефть-газ, энергетика, тўқимачилик ва ипакчилик саноатида, қишлоқ хўжалиги ва юқори технологиялар соҳасида сармоявий ҳамкорликни фаоллаштириш ва янги қўшма корхоналар очиш имкониятлари муҳокама қилинди.

Музокарада фан-таълим, шу жумладан, қўшма илмий тадқиқотлар олиб бориш ва кадрлар малакасини ошириш, шунингдек, маданият ва санъат, сайёҳлик каби соҳалардаги ҳамкорлик кўламини кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида Қўшма баёнот қабул қилинди. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон — Ҳиндистон тадбиркорликни ривожлантириш марказини ташкил этиш тўғрисида англашув меморандуми, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси билан Ҳиндистон Нефть-газ саноати вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми, Ўзбекистон Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси билан Ҳиндистон Тоғ-кон саноати вазирлиги ўртасида геология ва минерал ресурслар соҳасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси билан GAIL LIMITED компанияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан Ҳиндистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўртасида 2007 йилги иш режаси, "Ўзбекенгилсаноат" давлат акционерлик компанияси билан Ҳиндистон савдо корпорацияси ўртасида англашув меморандуми, Тошкент Давлат шарқшунослик институти билан Деҳли университети ўртасида англашув меморандуми имзоланди.



Икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими якунига етгач, Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Манмоҳан Сингх оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар.

Ўзбекистон раҳбари музокаралар очиқлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчанлик кайфиятида ўтганини, томонлар икки томонлама муносабатларга доир кенг кўламли масалалар, минтақавий ва халқаро миқёсдаги ўзларини қизиқтирган муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашганини таъкидлади. Муҳокама этилган барча масалаларда томонларнинг фикри бир жойдан чиққанини, Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг кўплаб халқаро муаммоларга ёндашув ва қарашлари ўхшаш эканини қайд этди.

— Ушбу ташриф Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва икки томонлама муносабатлар ривожида муҳим воқеа бўлди, — деди Ислом Каримов. — Ўзбекистон Ҳиндистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотида кузатувчи мақоми олганини олқишлайди, ушбу мамлакат БМТнинг кенгайтирилган Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари сафидан жой олишини ёқлайди. Биз Ҳиндистоннинг тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатини тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Мамлакатимиз раҳбари Икки томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма комиссия ҳузурида нефть-газ ва ахборот технологиялари бўйича ишчи гуруҳларини ташкил этишга келишиб олинганини маълум қилди.

— Ҳиндистон ахборот технологиялари борасида катта тажрибага эга ва биз уни ўзлаштиришдан манфаатдормиз, — деди Ислом Каримов. — Айни пайтда Ҳиндистон нефть-газ соҳасида Ўзбекистон билан ҳамкорликдан манфаатдор.

Манмоҳан Сингх ташриф самарали кечгани ва музокаралар бой натижа билан якунланганидан мамнуният билдириб, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқларининг манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади.

— Ўзаро муносабатларимиз кўп томонлама ривожланиб бораётгани бизни қувонтиради, — деди меҳмон. — Ўзбекистон Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жанубни туташтирган стратегик муҳим минтақадаги давлатдир. Биз қатор соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Бугун савдо-иқтисодий муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш масалаларини муҳокама қилдик.

Ўзбекистон раҳбарининг Ўзбекистон-Ҳиндистон тадбиркорликни ривожлантириш марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифни қабул қилганидан мамнуният изҳор этмоқчиман. Биз Ўзбекистонга энергетика соҳасидаги муҳим ҳамкор сифатида қараймиз.

Президент Ислом Каримов мамлакатларимиз Ҳиндистоннинг Техникавий-иқтисодий ҳамкорлик дастури доирасида ҳам самарали алоқаларни йўлга қўйганини таъкидлади. Маълум бўлишича, Ҳиндистон навбатдаги ўқув курслари учун Ўзбекистонга 120 кишилик ўрин ажратишга қарор қилган.

Томонлар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарар эканлар, ушбу ташриф икки мамлакатнинг ўзаро дўстона муносабатларни ва яқин ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги азму шижоатини яна бир бор намойиш этишини алоҳида қайд қилдилар.

Дўрмондаги тадбирлар тугагандан сўнг Ҳиндистон Бош вазири Манмоҳан Сингх Ўзбекистон Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Бу ерда олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз ва порлоқ истиқболимиз рамзи бўлган «Мустақиллик ва эзгулик монументи» пойига гул қўйди.

Манмоҳан Сингх Президент Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилган бу монумент Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсатини, ўзбек халқининг бунёдкорлик ва фаровонлик йўлидаги эзгу интилишларини акс эттирувчи ноёб мажмуа эканлигини таъкидлади.

Шу куни олий мартабали меҳмон етук ҳинд сиёсат ва давлат арбоби Лаъл Баҳодир Шастри ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Ҳиндистон раҳбарлари аввалдан Ўзбекистонга алоҳида қизиқиш ва эҳтиром билан қараб келган. Жумладан, ушбу мамлакатнинг биринчи Бош вазири Жаваҳарлаъл Неру 1955 ва 1961 йиллари юртимизга ташриф буюрган. 1966 йилнинг январида эса ўша пайтда Бош вазир лавозимида фаолият кўрсатган Лаъл Баҳодир Шастри мамлакатимизга келган.

Манмоҳан Сингх Ўзбекистонда ушбу арбоб хотирасига бунёд этилган ёдгорлик давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик муносабатларининг белгиси эканлигини таъкидлади.

Ҳиндистон Бош вазири Манмоҳан Сингх Тошкент ахборот технологиялари университетига ташриф буюрди. 2004 йилнинг октябрида икки мамлакат ўртасида ушбу университет ҳузурида Ўзбекистон-Ҳиндистон Ахборот технологиялари марказини очиш тўғрисидаги меморандум имзоланган эди. Ҳиндистонлик олий мартабали меҳмоннинг юртимизга ташрифи арафасида ушбу марказни очиш лойиҳаси якунига етди ва томонларнинг келишувига мувофиқ унга атоқли ҳинд сиёсат ва давлат арбоби Жаваҳарлаъл Неру номи берилди.

Марказнинг тантанали очилишида қатнашган олий мартабали меҳмон Ўзбекистон ва Ҳиндистон кўплаб соҳаларда бўлгани каби ахборот технологиялари йўналишида ҳам алоқаларни кенг ривожлантириш салоҳиятига эга эканлигини, ҳозирги замон нуқтаи назаридан қараганда, бу борадаги ҳамкорликнинг долзарблиги ошиб бораётганини таъкидлади.

Ҳиндистон Бош вазири «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида мамлакатимизда фаолият юритаётган ҳамюртлари ва ўзбекистонлик ҳиндшунос олимлар билан учрашди. Мулоқот чоғида илм-фан, маданият ва санъат намояндалари ўртасидаги алоқаларга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги ҳамкорликка оид мавзуларда сўз юритилди.

Шу билан Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Манмоҳан Сингхнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбири.

СУРАТДА: қабул пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

Олий Мажлис Сенатида

Фуқаролик бурчи ва ҳарбий қасамёд

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси Мудофаа вазирлиги ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши билан ҳамкорликда "Фуқаролик бурчи ва ҳарбий қасамёд" мавзусида давра суҳбати ташкил этди.

Ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига бағишланган тадбирда Мудофаа, Адлия, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ҳамда тегишли жамғарма ва идораларнинг вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбати қатнашчилари мамлакатимизда профессионал армияни шакллантириш ҳамда ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўйича атрофлича фикр алмашдилар. Шунингдек, мулоқот давомида Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш соҳасида қонунчиликни янада такомиллаштириш, фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, жойларда ушбу муҳим вазифани ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ қонуности ҳужжатларни қабул қилиш масалалари хусусида ҳам мулоҳазалар айтилди.

Тадбирда Қуролли Кучлар сафига қабул қилинган ёш ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ва халқига мамлакатимиз суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига содиқлик тўғрисида ҳарбий қасамёдни қабул қилиш аҳоли хавфсизлиги ҳамда тинч ҳаётини таъминлашга оид фуқаролик бурчини бажариш ҳисобланишини тушунтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Давра суҳбати якунида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА.

Шу йил 25 апрель куни Тошкентда Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Британия кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Буюк Британия ишбилармон доиралари шериклик тарафдори

1994 йили ташкил топган Ўзбекистон – Британия кенгашининг асосий вазифаси икки томонлама иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда Ўзбекистон ва Буюк Британия ишбилармон доирлари ўртасидаги биргаликдаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришдан иборат.

Ўтган йиллар давомида мазкур Кенгаш икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни чуқурлаштиришга кўмаклашувчи органга айланди. Ўзаро товар айланмасининг изчил равишда ўсиб бораётгани унинг фаолиятини акс эттирадиган аниқ далиллардан биридир. Ўзаро товар айланмасининг ҳажми ўтган йили қарийб ярим миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Мазкур форум ишида «Бритиш американ табако», «Оксус», «Бейкер Хьюз», «Менчант банк», «Синдикатум карбон капитал» сингари ва Британиянинг бошқа ўттизга яқин етакчи компанияси иштирок этди.

Мажлис давомида тоғ-кон, кимё, енгил, озиқ-овқат саноати, нефть-газ ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари муҳокама этилди.

Британия томонидан кенгаш ҳамраиси Х.Бут иқтисодиёт ва ташқи савдо ўсишининг юқори суръатларини қайд этар экан, бу Ўзбекистонда Президент И.А.Каримов томонидан олиб борилаётган чуқур ўйланган тизимли ислоҳот сиёсатининг натижаси ҳисоблашини таъкидлади. Британия ишбилармон доираларининг Ўзбекистон билан шериклик муносабатларини ривожлантиришга қизиқиши ўсиб бораётгани ҳам таъкидланди.

Иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, банк тизимининг ривожланиши мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантиришга ҳамда хорижий сармоялар ҳажмининг кўпайишига кўмаклашиши алоҳида қайд этилди.

Британия томони нефть-газ жабҳасида, фойдали қазилмаларни ишлаш, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва сайёҳлик соҳасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтиришга қизиқиш билдирди.

Кенгаш мажлисида 2005 йили 10 тоннадан зиёд олтин ишлаб чиқарган Ўзбекистондаги «Амантайтау Голдфилдс» қўшма корхонасининг фаолияти самарали ҳамкорликнинг муваффақиятли намуналаридан бири сифатида тилга олинди.

Британия бизнесининг вакиллари Ўзбекистондаги сармоявий муҳитга, бу ерда бизнес олиб бориш учун мавжуд бўлган қулай шарт-шароитларга юқори баҳо бердилар.

Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Британия кенгаши мажлиси якунлари Буюк Британия ишбилармон доираларининг Ўзбекистон Республикаси билан савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан манфаатдор эканлигининг ёрқин далилидир.

«Жаҳон» АА.

ЯНГИ ҚУРИЛМА ИШГА ТУШДИ

Мамлакатимиз саноатида етакчи ўрин тутадиган Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида газларни фракцияларга ажратиш қурилмаси ишга туширилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, янги қурилма атроф-муҳит мусаффолигини сақлашда катта аҳамиятга эга. У атмосферага чиқадиган турли газлардан аҳоли ва автомобиллар учун суюлтирилган газ ишлаб чиқаради. Қурилма ёрдамида бир кунда ўртача етти миллион сўмлик маҳсулот тайёрланади.

Мазкур қурилмани бунёд этишда "Нефтзаводмонтаж" очиқ акционерлик жамияти, "1-Фарғонамонтаж", "Фарғонатаъмирқурилишмонтаж" бошқармалари, вилоят сантехгазмонтаж каби жамоаларнинг хизмати катта бўлди. Айниқса, "Ўзбекнефтгаз" трести, "Нефтускунамонтаж" қурилиш бошқармаси муҳандис ва ишчилари самарали меҳнат қилди. Россиянинг "Нефтхимналадка" очиқ акционерлик жамияти қурилмани созлаш ва ишга тушириш ишларида завод мутахассисларига яқиндан кўмаклашди. Янги қурилма ишга тушиши билан қўшимча элликта иш ўрни яратилди.

Янги қурилманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Э.Шоисматов иштирок этди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

Сўнгги соатда

Жамоаларимиз иккинчи даврани ғалаба билан бошлади

Кеча футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларининг иккинчи даврасига старт берилди. Мамлакатимиз чемпиони «Пахтакор» сафарда Эроннинг «Фулад» жамоаси билан учрашиб, 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Яна бир вакилимиз — Муборакнинг «Машъал» жамоаси эса Қаршида Саудия Арабистонининг «Ал-Ҳилол» клубини қабул қилди. Эсингизда бўлса, биринчи учрашувда мубораклик футболчилар «Ал-Ҳилол»дан (0:5) ҳисобида мағлубиятга учрашганди. Ҳамюртларимиз ўйиннинг дастлабки дақиқаларидан ҳужумга зўр беришди. Гарчи биринчи бўлимда кўплаб ҳужумлар амалга оширилган бўлса-да, дарвозалар дахлсизлиги сақлаб қолинди. Иккинчи бўлимнинг 50-дақиқасига келиб, Ботир Қораев тўп киритиб, «Машъал»ни олдинга олиб чиқди — 1:0. Киритилган тўпдан анча руҳланишган футболчиларимиз яна ҳужумга зўр беришди. Учрашувнинг сўнгги дақиқаларида Зафар Холмуродов ҳисобни 2:0 га етказди. Афсуски, футболчиларимиз ўйиннинг охирги дақиқаларини анча асабий ўтказишди. Рақиб жамоа футболчиларига нисбатан кўпол ўйнаганликлари сабабли Ж. Жиянмуродов ва К. Кенжаевлар майдондан четлаштирилди. Ҳакам томонидан қўшиб берилган дақиқаларда икки ўйинчи кам бўлиб ҳаракат қилган ҳамюртларимиз пала-партиш ўйин намойиш этдилар. Шуҳрат Мирҳолдиршоев тўпни қўли билан ўйнагани учун ўн бир метрлик жарима тўпи белгиланди. Уни меҳмонлар ўйинчиси Абдуллоҳ ал-Доссарий бехато бажариб, ҳисобни қисқартирди — 2:1.

Ушбу ғалабадан сўнг «Машъал» ўз очколарини 7 тага етказиб, кейинги босқичга чиқиш имкониятини анча яхшилаб олди.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БИРИ БИРИДАН МУНОСИБ

Эл назарида юриш саодати юрагида ғайрати, шижоати бор, ҳафсалали, ҳамюртларига қайишимли, ўқимишли инсонларгагина насиб этади. Бу каби фазилатларнинг биронтаси етишмагудай бўлса, ҳурмат-эътибор қозонолмайди. Ўзлари ишонч билдирган, оқсоқолликка муносиб кўрганларнинг ҳафсалалари пир бўлиб, четга сурилиб қолади. Марказий Фарғона кенгликларида жойлашган Улуғнор туманидаги Мингбулоқ, Учкўприк, Овулмат, Чўлобод маҳаллаларида айнан шундай бўлди.

Оқсоқоллар сайлови

— Бугунги куннинг етакчиси — оқсоқоли бўлиш хазилакам иш эмас, — одатига хос вазминлик билан мулоҳаза юритади туман ҳокимлигининг ташкилий назорат гуруҳи раҳбари Сирожиддин Холдавлатов. — Бутун бошли маҳалла ёки қишлоқ юкини елкалаб оладиган, бошқаларга ҳар тарафлама ибрат бўладиган одамларни халқнинг ўзи танлаётгани юракка ёруғлик солади. Тўғри-да, одамлар ўзлари билан ёнма-ён яшаётган ҳамқишлоғининг кимлигини, нималарга қодирлигини, жамиятда тутган ўрнини бошқалардан кўра яхши билади.

Оқсоқолликка номзоди кўрсатилаётганлар билан яқиндан танишамиз. Мингбулоқ маҳалла фуқаролар йиғини раислигига уч нафар номзод рўйхатга олинган бўлиб, улардан бири Қундузхон Турдиевадир. Бу ғайратли, тиниб-тинчимас аёл, айтиш мумкинки, мингбулоқликларнинг онахонига айланган. Маҳалладаги ҳеч бир йиғин, тадбир йўқки, усиз ўтказилса. Опа бўш вақт топди дегунча, хонадонма-хонадон юриб, ҳамқишлоқларининг турмуш шароити билан танишади. Қўрасида қўй-қўзи, паррандаси бор-йўқлиги билан қизиқади. Қора қозонга нималар тушаётганидан тортиб, уй ёнидан ўтган ариқларнинг тозалиги, кўчаларнинг ободлигини назардан ўтказади. Коммунал тўловларни ташкил этиш, тадбиркорликка қўл урганларни рағбатлантириш... ҳамма-ҳаммаси учун ҳам дахлдор.

Гапнинг очиғи, маҳалла ҳудудида жойлашган қишлоқ врачлик пунктига тоза ичимлик суви келтириш ечимини кутаётган муаммолардан бири эди. Опа шу масалани кўтарди. Ҳокимлик унинг таклифини қўллаб-қувватлади. Шифохона ичимлик суви баҳонасида тўла таъмирдан чиқарилди, 15 миллион сўм маблағ эвазига тиббий асбоб-анжомлар билан ҳам жиҳозланди. Инсоннинг нияти қилаётган ишида акс этади, дейдилар. Опанинг ҳамқишлоқлари қалбида кўклам офтобидай чарақлаб тургучи, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам яйратиб юборгучи ишлари талайгина.

Айнан шу маҳалла раислигига номзоди кўрсатилганлардан яна бири Кенжабой Каримов бўлади. Мингбулоқ агросаноат касб-ҳунар коллежининг кафедра мудири, туман кенгашининг депутати сифатида фаолият кўрсатаётган бу инсон ҳалол меҳнати, тўғри сўзлиги, бор билим ва тажрибасини ёш авлод тарбиясига бағишлаётгани билан маҳалладошлари ҳурматини қозонган.

— Маҳаллага нима керак — тинчлик, осойишталик керак, — дейди у. — Шукр, ҳаммамиз аҳил-миз. Ҳамжиҳатлигимиз туфайли иморатлар тиклаб, гумбурлатиб тўйлар қилаяпмиз. Машиналар олаяпмиз. Уйларимизда газ пориллаб ёнаяпти. Жўмракни бурасак, булоқ сувидай ширин тоза сув оқаяпти. Инсонга бошқа яна нима керак?

Учинчи номзод — туман ветеринария бўлимининг бошлиғи Собиржон Анорқулов ҳақида ҳам кўп илиқ гаплар эшитдик. Мана, оқсоқолликка муносиб кўрилаётганлар кимлар. Энди ҳамма гап сайловда қолди.

Маҳалла оқсоқоли жамоат ишига нечоғлик қайишса, жонсараклик кўрсатса, каттаю кичик жонига аро кирса, унинг нуфузиям, салоҳиятиям шунча ортади. Чўл ҳудудида бу хилдаги етакчилар кўпчиликни ташкил этади. Улар, айтиш мумкинки, фуқаролар билан ҳокимликни бир-бирига мустаҳкам боғлаб турувчи ва доимий алоқада бўлувчи занжир бўлиб хизмат қилаётирлар. Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ҳал қилиниши зарур бўлган масалаларни дадил кўтариб чиқмоқдалар. Тўртол маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шуҳратбек Шохсиров турли идораларга елиб-югуриб сув иншоотини тиклашга эришди. «Ишонч» фермер хўжалиги раҳбари, Олий Мажлис Сенатининг аъзоси, оқсоқоллар, уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси раиси Султонбой Жўраев қишлоқ мулкдорларининг бошини қовуштириб, ҳомийликни ривожлантиришга даъват этди. Ишчи гуруҳи таркибига киритилган «Патилахон» фермер хўжалиги етакчиси Мухторжон Аллақулов бўлса, маҳалла ҳудудидаги 15-мактабнинг икки нафар аълочи ва жамоатчи ўқувчисининг ҳар бирига ўн минг сўмдан стипендия ташкиллаштирди.

Сайловда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган 23.474 нафар улуғнорликлар яқинлашиб келаётган муҳим сиёсий жараёнда 4 та қишлоқ ҳамда 13 та маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоллари ва маслаҳатчиларини танлашга, уларни ўзларига етакчи қилиб олишга алоҳида ҳафсала ва иштиёқ билан тайёргарлик кўрмоқдалар.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жорий йил Данғара туманидаги Сойшилдир қишлоғи аҳолиси учун омадли бошланди. Йилнинг илк ойида бу ерда "RUBBER-INDVSTRERIES-PLUS" корхонаси иш бошлади.

Корхонанинг довруғи

Айни пайтда йигирма нафардан зиёд қишлоқ ёшлари меҳнат қилаётган ушбу корхонада нефть ва газ қувурлари, электр симлари учун ҳимояловчи махсус ленталар ишлаб чиқарилади. Бир йилда 292 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ушбу корхонага хомашё асосан Россиядан келтирилади ва бу ерда қайта ишланади. Эътиборли томони қисқа вақт оралиғида корхона маҳсулотларининг довруғи юртимиздан ошиб, хорижга ҳам етди. Ҳозир бу маҳсулотларга нафақат қўшни вилоятлар, балки Қирғизистон, Тожикистон сингари бир қатор республикалардан ҳам буюртмалар келмоқда.

СУРАТДА: илғор ишчи Лолахон Абдувалиева; тайёр маҳсулотлар.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ИЛМИЙ АНЖУМАН

Таълим тўғрисидаги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида мамлакатимизда олий ва ўрта махсус билим юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий асбоб- ускуналар билан жиҳозлаш, шунингдек, ўқитувчилар малакасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Бу, айниқса, ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш ва уларни касбга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Қўнғирот саноат касб-ҳунар коллежи замонавий ўқув даргоҳларидан саналади. Бу ерда таҳсил олаётган ёшлар халқ хўжалигининг муҳим йўналишлари бўйича ҳунар эгалламоқда. Кейинги даврда Усть-юрт кенгликлари ва Орол денгизи атрофида нефть ва газ конларини қидириб топиш, ер ости бойликларидан халқ фаровонлиги йўлида фойдаланиш борасида ижобий натижаларга эришилаётгани боис, соҳа мутахассисларига талаб ортмоқда. Мазкур коллежда нефть ва газ саноати технологияси, конларни қидириб топиш ва бурғулаш бўйича малакали кадрлар тайёрланмоқда.

Бу ерда Тошкент Давлат техника университети ҳамда Ўзбекистон нефть ва газ саноати илмий муҳандислик жамияти ташаббуси билан "Нефть ва газ саноатини ривожлантиришда ўрта-махсус кадрлар тайёрлашнинг келажаги" мавзуида республика илмий анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда "Техника ва технология йўналиши бўйича касб-ҳунар коллежларида кадрлар тайёрлашнинг истиқболлари", "Нефть ва газ қудуқларини бурғулашнинг замонавий усуллари", "Маҳаллий шароитда табиий газни қайта ишлаб чиқариш технологияси" мавзуларида маърузалар тингланди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

ЖАМҒАРМА СОВҒАСИ

Олимпия захиралари спорт коллежида Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишлаб ўсмирлар ўртасида ўтказилган дзюдо бўйича вилоят биринчилиги якунланди.

Унда уч юзга яқин спортчи ўн вазн тоифасида куч синашди. Умумжамоа ҳисобида «Барс» спорт клуби, қизлар ўртасида эса косонлик дзюдочилар биринчи ўринни қўлга киритди. Ғолибларга Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг махсус совринлари топширилди. Шунингдек, жамғарма томонидан туманларда яшовчи ўнлаб кам таъминланган оилалар фарзандларига спорт кийимлари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов, Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев иштирок этди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
ЎзА мухбири.



ВАТАН ШАЪНИ — МУҚАДДАС

Ватанни севмоқ — иймондандир. Демак, иймонли инсонгина Ватанни севади. Ватан шаъни учун курашиш эса муқаддас бурч ҳисобланади. Унга хиёнат қилиб ёки тош отиб бўлмайди. Бу нафақат кўрнамаклик, балки иймонсизлик ҳамдир.

Баъзан хориж оммавий ахборот воситаларида, қандайдир анжуманларда, қайсидир норасмий ташкилотларнинг ҳисоботларида, ўзларини ноҳукумат деб ҳисоблайдиган чет эл идораларининг даъволарида Ўзбекистонга туҳмат тошлари отилса, оқ билан қоранинг ёки уйдирма билан ҳақиқатнинг фарқига бормасдан, атайлаб мишмишни авж олдириб юборадиганлар ҳам топилади.

Энг ачинарлиси шундаки, улар кимнинг устидан кулишаётганини идрок этишмайди. Идрок этиш учун эса ақл-фаросат керак. Маъзур тутасиз, ўз Ватани, миллати, миллий маънавияти ва қадриятлари, турмуш тарзи устидан куладиган одамга бошқача сифат бериб бўлмайди.

Айтайлик, Европадаги тараққий этган давлатлар, жумладан, Германия фуқароларини олиб кўринг. Улар қайси миллатга ёки ирққа мансублигидан, қайси динга эътиқод қилишларидан, бой ёки камбағаллигидан, ҳаётдан мамнунлиги ёки норозилигидан, ўзгалар иғвоси ёки тарғибот-ташвиқотидан қатъи назар, ўзлари яшаб турган мамлакат шаънини ҳамма нарсадан устун қўядилар. Ким қайси жойдан эканлиги муҳим эмас. Энг муҳими, улар Германия фуқароси эканликлари билан фахрланишади. Ҳатто Африкадан келган негр ҳам фуқароликни олгач, Германиянинг шаъни учун курашади.

Бу гапларни айтишимдан мақсад шуки, аҳиллик ва оғизбирлик, ор-номус ва шаън-шавкат учун кураш бизнинг миллатга ҳам хос хислат. Ҳазрат Алишер Навоий таъбири билан айтадиган бўлсак, ўзбеклар ҳам доно улус. Бунга тарих гувоҳлик беради. Миллатни, юртни, эл-элатни бирлаштириб, халқнинг бошини қовуштирган Амир Темур бобомиз даврини эсланг. Ўшанда оғизбирликда, шаън-шавкатда, куч-қудратда бизга ҳеч ким тенг келолмасди. Ўшанда бошқалар бизга ҳавас қилишгандир. Куч — адолатда, деган бобомиз, балки адолат деганда оғизбирликни назарда тутгандир. Чунки бошбошдоқлик адолатсизликни келтириб чиқаради.

Соҳибқирон бобомиздан кейинги бошбошдоқлик даврини эсланг. Биз оғир синовларга дучор бўлдик. Оғизбирлигимиз дарз кетиб, орамизда бўлинишлар пайдо бўлди. Бу бўлинишлар аста-секин уруғ-аймоқчилик, ҳамқишлоқлик, ҳамшаҳарлик каби кўринишларда намоён бўлди ва маҳаллийчилик деган кўринишда шаклланиб ўрнашиб қолди. Айниқса, совет даврида, роқчи туманида бир неча марта ижодий сафарда бўлганман. Ҳар safar туманнинг биринчи раҳбари четдан келган рус киши эканини кўриб ажабланардим: «Наҳотки, маҳаллий аҳоли орасида туманни бошқарадиган бирорта ҳам муносиб одам топилмаса?!» Бир куни ана шундай савол билан вилоятнинг ўша пайтдаги раҳбар ходимларидан бир нечтасига мурожаат қилдим. Деярли ҳаммасидан бир хил жавоб олдим. «Чироқчининг қишлоқларида уруғ-аймоқчилик жуда кучли. Агар бир уруғдан раҳбар қўйилса, бошқа уруғ вакиллари вилоятга, республикага жанжал қилиб боришади ёки ёзавериб ишлагани қўйишмайди. Бошқа миллат кишисига ёки бошқа жойдан келган одамга нисбатан ундай қилишмайди», дейишди улар.

Бундай ҳолатни мен ўз вақтида Сирдарё вилоятида яъни мустамлака пайтида бундай ҳолат ёмон асорат қолдирадиган ижтимоий иллат сифатида илдиз отди ва ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олди.

Бир мисол. Ўша даврда Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидаги бирорта ҳам муносиб одам топилмаса?!» Бир куни ана шундай савол билан вилоятнинг ўша пайтдаги раҳбар ходимларидан бир нечтасига мурожаат қилдим. Деярли ҳаммасидан бир хил жавоб олдим. «Чироқчининг қишлоқларида уруғ-аймоқчилик жуда кучли. Агар бир уруғдан раҳбар қўйилса, бошқа уруғ вакиллари вилоятга, республикага жанжал қилиб боришади ёки ёзавериб ишлагани қўйишмайди. Бошқа миллат кишисига ёки бошқа жойдан келган одамга нисбатан ундай қилишмайди», дейишди улар.

Бундай ҳолатни мен ўз вақтида Сирдарё вилоятида ҳам кузатдим. Ҳатто ҳарбий хизматда ҳам шундай эди. Сурхондарёлик, сирдарёлик, қашқадарёлик, андижонлик, тошкентлик йигитлар бир-бирлари билан қайси вилоятдан эканликларига қараб топишиб олишардеб бўлмайди, бу хиёнатдан бошқа нарса эмас. Бундайларнинг айримлари Интернет сайтларига ин қуриб олишган ва ўз вақтларини юртга мағзава ағдаришга сарфламоқдалар. Уларнинг куну тун Ғарбнинг турмуш тарзини тарғиб қилиб, ўз миллий қадриятларига тош отишлари отни кўрса, оқсайдиган ва сувни кўрса, сувсайдиган эрксиз ва онгсиз манқуртга ўхшайди. Душманнинг мақсадини тўғри англаб етмаган инсон ҳаётда ҳамиша қоқилади. Бу қоқилиш нафақат унинг ўзига, балки жамиятга ҳам зарар етказади.

Ҳаётни севган одам оғизбирликнинг қадрига етади. Бошбошдоқлиққа нисбатан тоқатсиз инсон Ватан ва миллат шаъни ҳақида ўйлайди. Демак, юрт келажаги, миллат обрўси, орномуси тўғрисида қайғурадиган инсон оғизбирлик учун курашади. Биз мустақиллик шарофати билан келажаги буюк давлат қураётган эканмиз, куч-қудратимиз оғизбирликда эканлигини унутмайлик. Ўзгаларнинг ноғорасига ўйнаш, ўзгаларнинг уйдирмасига ишониш, ўзгаларнинг йўриғига юриш, ўзгаларга кулги бўлиш, ўзимизни ўзгалардан кам деб билиш, ўзгалар отаётган ғараз ҳамда ҳасад тошларига бефарқ ва бепарво бўлиш халқимиз шаънига ярашмайди. Умуман, ўз қадрини билган инсон юртига ва халқига тош отмайди. Агар кўп оғиз бир бўлса, бир оғиз ер бўлар, дейилади халқ мақолида. Агар юртимизда оғизбирлик бўлса, битта-яримта вайсақи Ватан ва миллат шаънига доғ туширолмайди. Юрт шаъни — биз учун муқаддас!

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Миллий қадриятларимиз

ИҚТИСОДИЁТ янгиликлари

Қоракўлимиз — Россия бозорида

Мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятида қоракўл маҳсулотлари муҳим ўрин эгаллайди. Чунки унинг ўзига хос жилоси жаҳоннинг етакчи мўйна компаниялари эътиборида туради. Айниқса, кейинги пайтда ушбу маҳсулотнинг экспорт географияси ҳам кенгайиб бормоқда. Хусусан, Кипр, Жанубий Корея, Озарбойжон давлатлари ҳам унга харидор бўлдилар.

Ҳозирда эса етиштирилаётган маҳсулотнинг 70 фоизини Россия Федерацияси саноатчилари сотиб олаяпти. Бироқ бу миқдорни янада ошириш имкониятлари мавжуд. Шу мақсадда тез орада Москва ва Қозон шаҳарларида ихтисослашган «Савдо уйи»ни очиш мўлжалланмоқда.

«Ўзбек қоракўли" компаниясидан олинган хабарга қараганда, жорий йилнинг биринчи чорагида 450 минг АҚШ доллари миқдорида қоракўл маҳсулот сотилган. Йил охирига қадар эса, жами 2 млн. АҚШ долларилик қоракўл маҳсулоти экспорт қилинади.

Гулнора МУСЛИМОВА.

Нарх ва тариф мақбуллашади

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари ўртасида турли соҳаларда тенг манфаатли ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бормоқда. Ҳукуматлараро имзоланган ҳужжатларда сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш, транспорт тизимининг умумминтақавий инфратузилмасини барпо этиш, савдо-иқтисодий ҳамда ижтимоий-маданий соҳаларда ҳамкорликни фаоллаштириш каби муҳим йўналишлар белгилаб олинган.

Пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида "Қозоғистон темир жоли" миллий компанияси томонидан "Қозоғистон темир йўлларининг транзит имкониятлари" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистондан Россия, Хитой, Жануби-шарқий Осиё, шунингдек, Европа Иттифоқига аъзо давлатларга Қозоғистон темир йўллари орқали экспорт ҳамда ушбу мамлакатлардан республикамизга импорт қилинаётган транзит юклар учун олинадиган тариф ва нархларни мақбуллаштириш масаласи кўриб чиқилди.

Тадбирда "Қозоғистон темир жоли" миллий компанияси раҳбар ва мутахассислари мамлакатимиздаги йирик корхоналар вакиллари саволларига жавоб қайтариб, мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиш чора-тадбирларини кўриш юзасидан келишиб олдилар.

Польшалик ишбилармонлар Тошкентда

Шу кунларда Польша ишбилармон доиралари делегациясининг юртимизга ташрифи давом этмоқда. Делегация таркибини тўқимачилик саноати, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, безак буюмлар ишлаб чиқарувчи, шунингдек, кимё ва бошқа соҳаларда фаолият кўрсатаётган 10 га яқин йирик компаниялар вакиллари ташкил этади.

Маълумот учун айтиш жоизки, республикамизда поляклар капитали иштирокида 18 та корхона (шунда 5 таси қўшма корхона) ташкил этилиб, улар тўқимачилик, тиббиёт, улгуржи савдо ва бошқа соҳалар ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон ва Польша республикалари ўртасида имзоланган "Савдо ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида"ги икки томонлама шартнома туфайли ўзаро алоқалар тобора ривожланаяпти. Мисол учун, 2005 йилда икки давлат ўртасидаги ташқи савдо айланмаси 71 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ҳолбуки, бу кўрсаткич 2004 йилда 37,6 млн. АҚШ доллари миқдорида эди.

Польша Республикаси ишбилармонларининг ташриф дастуридан ўрин олган муҳим тадбирлардан бири — республика Савдо-саноат палатаси ва "Ўзбекенгилсаноат" ДАК билан ҳамкорликда икки давлат тадбиркорлари ўртасида шерикчилик алоқаларини ривожлантириш мақсадида ташкил этилаётган Кооперацион биржа хусусида ҳам музокаралар бўлиб ўтади. Шунингдек, польшалик меҳмонлар юртимиз тўқимачилик ва бошқа саноат корхоналари фаолияти ҳамда ўлкамиздаги маданий-меъморий обидалар билан танишадилар.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Саховат бор бўлсин!

Чорвачилик соҳаси қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва шу асосда оилалар даромадини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, ички истеъмол бозорини гўшт ва сут маҳсулотлари билан тўлдиришда катта имконият яратади.

Мамлакатимиз Президентининг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори эълон қилинганига бир ойдан зиёдроқ вақт ўтди. Айтиш жоизки, мана шу қисқа вақт ичида ушбу Қарор ижросини таъминлаш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

— Юртбошимизнинг Қарори кўпчилик фермерлар қатори бизнинг кўнглимизни ҳам тоғдек кўтарди — дейди Бахмал туманидаги «Анвар Нарзуллаев» фермер хўжалиги раҳбари Файзулла Нишонов. — Чорва, халқимиз таъбири билан айтганда, етти хазинанинг бири. Туёқлар сони қанча кўпайса, юртда мўл-кўлчилик, арзончилик бўлади. Ушбу ҳужжатда чорвадорларга жуда кўп имтиёзлар берилган ҳамда кам таъминланган оилаларга бир бош зотдор сигир бериш ҳам кўзда тутилган. Яқинда хўжалигимиз аъзолари билан кичик бир ишга қўл урдик. Қишлоғимизда яшовчи, беш нафар фарзандли Хайринисо Ҳакимовага соғин сигирни бузоғи билан ҳадя этдик. Насиб қилса, Ҳомийлар ва шифокорлар йилида янада кўплаб хайрли ишларни амалга оширамиз.

Жамшид ГАЗИЕВ.

СУРАТДА: фермер хўжалиги раҳбари Ф. Нишонов кўп фарзандли Х. Ҳакимова хонадонида.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Мамлакатимизнинг кекса ва бугун қайтадан ёшараётган гўшаларидан бири — Қарши шаҳри катта тўй арафасида. Юртимизнинг файзли бу гўшаси жорий йилнинг куз ойларида ўзининг муаззам 2700 йиллик юбилейини нишонлайди.

Аслини олганда, Қарши шаҳрини ободонлаштириш қиёфасини янгилаш ишлари анча бурун бошлаб юборилган. Юртбошимиз Ислом Каримов Қашқадарё вилоятида биринчи раҳбар бўлиб ишлаган пайтлари шаҳарни қайта қуриш ишига шахсан ташаббускор бўлгани ҳақида бугун ҳам иштиёқ билан гапиришади. Биргина шаҳар марказига оқар сувни олиб келиш учун қанчадан-қанча машаққатларни енгиб бўлса-да, бунга эришилганининг ўзи алоҳида ҳикояга мавзу бўла олади.

ЁҒДУ СОЧАЁТГАН ШАҲАР

Яна бир мисол келтирадиган бўлсак, ўша пайтда шаҳар ичидаги микрорайонларда шахсан биринчи раҳбарнинг ташаббуси билан теннис кортлари қурилганини ҳаммаям билармаса керак. Ҳозир эса нафақат Қаршида, балки вилоятнинг бошқа шаҳар ва туман марказларида ҳам ҳашаматли теннис кортлари кўпайди ва улар одамлар билан гавжум. Ёки Қарши яқинидаги «Тоҳир ва Зуҳра» ёдгорлигини олайлик. Уни бир пайтлар ташландиқ ҳолида кўрган Юртбошимиз тезда ободонлаштириш, ёш келинкуёвларнинг зиёрат масканига, ошиқлар қадамжосига айлантириш ишига шахсан бош-қош бўлдилар. Айни пайтда, бу ёдгорлик мажмуаси катта йўл ёқасида гуллаб-яшнаб тургани ҳар бир киши кўнглини яйратади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 сентябрдаги «Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида»ги 452-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 26 июлдаги «Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари эълон қилинганидан кейин шаҳар ва унинг атрофидаги тарихий обидаларни тубдан таъмирлаш, шаҳар кўчаларини, маҳалла гузарларини янгилаш, бозорларни, дам олиш боғларини, тарихий майдонларни очиш, марказий кўчаларни кенгайтириш, янги ўйингоҳлар барпо этиш ишлари йирик Дастур асосида режалаштирилиб, улкан бунёдкорлик амалиёти бошлаб юборилди. Режадаги асосий ишларнинг кўпчилиги битказилди ҳам. Шаҳар марказидаги тарихий обида — «Кўкгумбаз» масжиди» (XIV аср) ҳамда унинг айвонларини таъмирлаш ва ёндош ҳудудни ободонлаштириш ишлари маҳаллий бюджет, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мусулмонлар идораси маблағлари ҳисобига бажарилиб, пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. «Одина» масжиди ва Сардоба мажмуаси (XVI аср)да қурилиш ва тиклаш ишлари давлат бюджети ва «Ўзавтойўл» ДАК маблағлари ёрдамида маромига етказилмоқда. Маҳалла гузарларини қуриш ва Қарши шаҳрининг тарихий марказий қисмини ободонлаштириш, марказий деҳқон бозорини, «Мебеллар уйи» базасида замонавий «Супермаркет» ташкил қилиш, Мустақиллик майдонини қайта таъмирлаш, вилоят ҳокимлиги биноси, Иқтисодиёт бошқармаси, Давлат мулки қўмитасининг ҳудудий бошқармаси биноларини реконструкция қилиш жадал олиб борилмоқда. Юбилей тантаналарида қатнашувчи меҳмонларни кутиб олиш учун аэропорт мажмуини таъмирлаш, Алишер Навоий номидаги марказий дам олиш боғи, Болалар истироҳат масканларида 3000 ўринли амфитеатр қурилишлари тугалланай деб турибди. Шаҳарнинг кенг ва равон кўчаларидан юрсангиз вужудингиз ҳам, дилингиз ҳам ором топади. «Насаф», «Ўзбекистон», Амир Темур номли катта кўчалар таниб бўлмас даражада кўркамлашди.

Ўзининг улкан тўйига ҳозирлик кўраётган Қарши шаҳри шу кунларда яна бир муҳим воқеа арафасида турибди. Бу ерда саноқли кунлардан сўнг Республика ўқувчи ёшларининг «Умид ниҳоллари» мусобақалари бўлиб ўтади. Шу муносабат билан шаҳарда бунёдкорлик авж олган. Яқинда 600 ўринли, энг замонавий услубда ва халқаро андозаларда Олимпия захиралари спорт коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 20 минг ўринли стадион, Очиқ чўмилиш ҳавзаси (50х25 метр) объектлари жорий йилнинг апрель, май ойларида ишга туширилади. Қолаверса, шаҳарнинг ичимлик сув билан таъминланишини яхшилаш, табиий газ, электр таъминоти, алоқа ва транспорт хизмати, санитария-тозалаш ишлари, шаҳардан ўтувчи Қашқадарё дарёси қирғоқларини ободонлаштириш бўйича кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда.

Хуллас, Қарши бугун тўй баҳонасида муаззам қурилиш майдонига айланган. Қаршида бундай юртпарварлик ва яратувчилик ишига бош қўшмаган бирорта фуқаро ёки раҳбарни топиш мушкул. Яхшиси, минг марта эшитгандан бир марта бўлсаям кўриб-кузатган яхши. Қарши шаҳрига марҳамат қилинг. Унинг кўркидан биз — қашқадарёликлар қатори завқланинг. Бугунги Қарши бунга арзийди.

Ғози РАҲМОН.

Яшилликдан куч олиб

Қирларга туташиб кетган даштдаги қишлоқда Ўроз деган бир жўрам бор. Йил ўн икки ой уйдан далага қатнайди. Умрининг ўндан тўққизи далада ўтади. Далада тунайди. Галла экади. Галла парваришлайди. Галла ўради. Тунлари сомоннинг устига ётиб олиб юлдузлар билан гаплашади. Гап бунда эмас. Гап Ўрозниннг кўкламдаги қилиғи тўғрисида. Шу қилиғини канда қилмайди. Қилиғи ўзига ярашади. Қишлоқ яқинидаги қирнинг устига чиқиб, ё бўлмаса буғдой майсалари гуркираб ўсаётган даласининг ўртасида туриб олиб, эгнидаги чопонни ечиб ташлайди. Кейин енг шимаради. Енг шимариб мисоли жини қўзиган кимса ҳолига тушади.

«Зўринг келабер... Биринг кўрқсанг ўнинг кел. Ўнинг ҳам менга ҳеч гапмас...» деб бақира бошлайди.

Ўзингиз айтинг, шуям гапми? Шуям қилиқми? На кулишни, на ҳайрон бўлишни биласан, киши. Ўрозни ўзимча фақат мен биламан, деб ўйлайман. Ўроз бир йил ичида кимларнингдир майда-чуйда гапларини, пичингларини, таънаю дашномларини ичига ютиб юради. Кўклам келиб даладашт майса билан қопланганда, гул билан қопланганда фавқулодда унинг жини қўзийди. Жини эмас, аслида ғайрати юракдан тўлқин бўлиб чиққанча бўғзига ёпишади. Ўроз гашт қилади. Ўроз яшилликдан куч олади. Ўроз хумордан чиқади.

Яқин атрофда одам йўқ. Уни эшитгувчи йўқ. Ўрозга бунинг фарқи йўқ. Чунки икки букланиб, четга отилади. Енглар шимарилади. «Зўринг келабер...» Дашт. Майса. Майсалар мисоли денгиз. Ана шу денгизнинг, ана шу кенгликнинг ўртасида енгларини шимарганча Ўроз турибди. Ўроз отда юради. Ғалласини кўриб бир суюнади. Бўғазак бўлган экинини кўриб икки суюнади. Ғалласига ўроқ тушганда даштнинг у ёғи билан бу ёғига оёғи куйган товуқдай югуриклаб қолади. Кейин яна кўкламни кутади. Майда-чуйда гаплару пичингларни елкасидан ошириб орқасига отиб юборади. Уларни эшитмайди. Уларга парво қилмайди.

Кўнгил

Янгиобод туманининг Тожикистон билан чегарадош жойида Хўжамушкент деган қишлоқ бор. Жаннатнинг бир бўлаги, дейсиз. Сойларида ёввойи ялпизлар ўсади. Уйқучи бўлсангиз кўклам кезлари бу қишлоққа бора кўрманг. Борсангиз туни билан булбуллар нағмасидан мижжа қоқмай чиқасиз. Булбулнинг овози сизни маст қилиб ташлайди. Сел қилиб юборади.

Ўтган йили бундай бўлди. Яъни Қодирқул жўрамизникига меҳмонга бордик. Мажнунтол остидаги тупроқ супада тонг отгунча гурунг қилдик. Билдикки, Қодирқул жўрамизнинг иккита боласи бор. Бияларини шундай қўл узатсангиз етадиган қирга боғлаб қўйган. Арқонланган бияларнинг қулунлари оналарини соғиниб, уй томондан кишнаб-кишнаб овоз беради. Дастурхонга тортилаётган қимиз қонларимизни жўштиради. Тирсакда болиш. Онда-сонда боғ тўридан қулоғимизга бир ўспириннинг ҳиқиллаб йиғлагани эшитилади. Тўхтаб-тўхтаб йиғлайди. Дам олиб, дам олиб ҳиқиллайди. Боғдаги қашқабедалар ёппасига гулга кирган, йўнғичқа тиззадан ошган. Боғ боягина кўкда кўринган ойнинг нурига беланиб ётибди. Шундай гўзал бир ҳолату манзарани фақат ўспириннинг йиғиси бузади. Боягина чизилган, ҳали бўёқлари қуриб улгурмаган нафис бир суратнинг устига кимдир бир пиёла сув сепиб юборгандек кўнглимиз ғашланади. «Нима гап ўзи?» дегандек уй эгасига тикиламиз. У парво қилманглар, дегандек қўл силтайди. Қимизу булбулнинг кучи бир бўлиб бизни турткилайди. Булбулнинг овозини фақат қай бир сойдан келаётган беданинг овози босиб кетади. Йиғи авжига чиқади. Охири бўлмади. Қодирқул жўрамизнинг икки бармоқ қалинлигидаги қошлари чимирилди. Жўрамиз ёрилди:

— Кўклам келса бўлди. Бу Ҳайитбой тушмагуримизнинг пайтавасига қурт тушади. Ўзи-ку шу бу йил мактабни тамомлайди. Боғ кўкласа бўлди, Ҳайитбойимизнинг йиғиси авжига чиқади. Икки йилдан буён аҳволимиз шу. Кўнгил ёриб бировга дардимни айтолмайман. Қўй, десам, қўймайди. Суйган қизи аълочи эмиш. Шаҳарга ўқишга кетармиш. Ўқишга борса қай бир қил мўйлов олифтага тегиб кетармиш. Бунақа сулув қиз Хўжамушкент бу ёқда турсин, бутун бир Ўзбекистонда йўқмиш. Она-бола бир тараф, аканг қарағай бир тараф. Олдин мактабни тамомла, бирор касбнинг этагини ушла, кейин боғнинг тўрига бориб йиғласанг ярашади, дейман. Қаёқда! Гапим қулоғига кирмайди... Ҳайитбойимизнинг келбатидан от ҳуркади. Ўн беш куннинг ичида бир ярим гектар боғни кетмонда ағдариб чиқди. Девдай йигитнинг қиз боладек йиғлаши аччиғимни келтиради. Менга дардини айтолмайди. Сирдоши онаси. Ўша қизнинг сочлари тақимини ўпармиш. Кошкийди, бегона бўлса! Кошкийди, уни мен танимасам! Пучуққина, ўрта бўйликкина... Яна ўзимнинг қадрдонимнинг қизи. Э, йигит бўлмай кетэ! Боғнинг атрофида бирор минг терагим етилиб қолган. Эллигини кесиб шаҳарга туш, ўқишга кир, десам Ҳайитбой ройиш бермайди. Ўқиши сust-да, ўқиши... Боғбонликка суяги йўқ. Манов дов-дарахтнинг барини ўзи пайванд қилган. Ўламан обло, қишлоқда яшайман, дейди. Қизнинг оқлиғини олсак бўлди, эмиш. Буларнинг биттасига тушунсам ўлай агар...

Қодирқул отларини силжитишга кетди. Ёстиққа ёнбошладик. Ёввойи ялпизу ёвшонларнинг иси димоғни ёраман дейди. Ой қирнинг қоқ белига минди. Шабада турди. Булбулларнинг нағмаси авжга чиқди. Боғнинг тўридан келаётган йиғи тўхтаб қолди. Лабларимизга табассум илашди...

ЮРАКЛАРГА ЖОЙЛАНГ ЮРТ ЖАМОЛИНИ

Хонқизи

Совотдан ўтиб Куйгантепа томонга йўл олсангиз, бир даштга дуч келасиз. Наврўздан майнинг ярмигача дашт ловуллаб кетади. Уни лола ёндиради. Лола даштни қизартириб юборади. Кейин гал қизғалдоқларга келади. Қизғалдоқлар лола билан басма-бас ёнади. Басма-басга кўз яшнатади.

...Уларни ана шу даштни иккига бўлган йўл ёқасида кўрдим. Машинадан тушган аёл билан эркак буғдой майсаларига, тепаликларга тиқилиб бир зум туриб қолишди. Йўлдан ўн-ўн беш қадам нарида бир жуфт лола шабадада тебраниб турарди. Эркак майсаларни босиб гулга қараб юрдию тўхтаб қолди. Аввал туфлисига, кейин шимларига қаради. Боягина шивалаб ёмғир ёққанди. Туфлиси ҳўл бўлган эркак машина олдига қайтиб аёлга нимадир деди. Аёлнинг чаккаси тиришди. Мен уларнинг гапларини эшитмадим. Кейин машинадан ҳайдовчи тушди. Ҳайдовчи лолаларни келтириб аёл билан эркакка берди. Иккаласи ҳам ҳидлади. Яна пича ҳангома қилдилар. Кейин аёл лолани ҳали бир қарич бўлиб улгурмаган ковул бутасининг устига ташлади-да машинага ўтирди. Улар жўнаб кетдилар. Менга алам қилди. Назаримда, дилим оғригандек бўлди. Лолани олиб кўйлагимнинг кўкрак чўнтагига солиб қўйдим. Лола тушунмаса-да, унга ўзимча тасалли бердим. Сен бизга кераксан, бизга суюксан, деган гапларни айтдим. Гапимдан ўзим кулдим. Кўкрагимдаги гул мени тушунди, деб ўзимча суюндим.

Қаранг, тошларнинг орасидан чучмомалар қақраб чиқди. Бинафшалар қорларнинг қаҳрини писанд қилмай қиқирлаб юборишди. Ялпизларни кўринг! Сойларни, булоқ бўйларини ачом-ачом қилиб олди. Момолар лапарлар айтишди. Ўчоқлар олов тафтидан қизариб кетди. Сумалаклар «виқир-виқир» қайнади. Қизалоқлар толпопук илинжида кўктолу мажнунтолларнинг шохларига ёпишди. Турналар кўкда ҳалинчак солиб учишди. Бодомлар довучча тугишди. Келинчаклару аёллар қалдирғочлар учун уйларининг эшикларию деразаларини ланг очишди. Уч асрлик тутларнинг шохларида ҳам туганаклар кўзга ташланди.

Қуёшнинг тиғи елкани жазиллатади. Демак, ҳаёт қайтадан бошланди. Ҳаёт қишнинг сандиғидан тўртбеш ой йўқотиб қўйган васиқасини топиб олди. Мусичанинг тумшуғида хас-хус кўринди. Энди бас. Энди тамом. Энди баҳоналарни саржин қилиб бир четга тахлаб ташлайлик.

Болаларнинг қўлларидан маҳкам тутиб кенгликларга олиб чиқинг. Шамоллаб қолишидан қўрқманг. Қоқиниб кетишидан чўчиманг. Улар билан қирларга югуриб чиқишдан ҳадиксираманг. Уларни майсалар билан ошно қилинг. Лолани кўрсатинг. Қуштилилар устида юмалаб ётинглар, деб айтинг. Ялпизлардан болишлар ясаб беринг. Хонқизини сенинг уканг, деб айтинг. Бўзтўрғай қўшиғини тинглаётган болангизнинг хаёлини бўлманг. Улар тоғларга тикилишсин. Тизаларини қучоқлаб кенгликлар сасини эшитсин. Гулларни, ўтларни, қирларни, уфқда кўрингган найкамалакни, тоғларни уларга буларнинг бари сеники, деб ўргатинг.

Ана шунда кўрасиз. Митти юракларда бир балолар юз беради. Уларнинг кўкси гупуриб кетади. Ҳаяжондан энтикиш ҳосил бўлади. Қишлоқларга пода қайтганда ҳам дала қирлардан кўнгил узолмай қоладилар. Лабларидан «Яна пича, яна бироз қолайлик...» дея пичирлай бошлайди.

Ватан уларнинг юракларига қуюлиб келиб ўрнашиб олади.

Улар ҳў ўша аёл билан эркакка ўхшаб даштларга бепарво тикилишмайди. Эснашмайди. Бурун жийиришмайди. Гулларни бир четга отиб, қулай манзиллару ёғли таомлар тортилган дастурхонларга шошилишмайди. Улар бошқача бўлиб ўсишади. Улар хонқизи билан пичирлашиб гаплашишади. Тўрғайларни кафтларидаги сув билан сийлашади. Улар...

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Табиат ва биз

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Мудофаа вазирлари учрашуви

Кеча Пекинда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар — Ўзбекистон, Россия, Хитой, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон мудофаа вазирларининг учрашуви бошланди. РИА «Новости»нинг хабар тарқатишича, ушбу йиғилишда Россия Федерацияси мудофаа вазири Сергей Иванов ШҲТга аъзо давлатлар билан биргаликда 2007 йилда аксилтеррор машқларини ташкил қилиш таклифи билан чиқди. Бундан ташқари, С.Иванов ШҲТга аъзо давлатлар мудофаа вазирликлари ўртасида доимий равишда ҳарбий соҳада алоқаларни ривожлантириб бориш ва бунинг ҳуқуқий асоси бўлган ҳужжат қабул қилиш лозимлигини таъкидлади.

Молиявий имкониятлар кенгаяди

«Газпром»нинг капитализацияси 10-15 йилдан сўнг бир триллион долларга етиши мумкин. Бу ҳақда Лондонда ташкил этилган Россия инвестиция форумида концерннинг бошқаруви раиси ўринбосари Александр Медведев маълум қилди.

— Айни пайтда концерннинг бозордаги капитализацияси 240 миллиард долларни ташкил этади, — дея интервью берди А.Медведев «Интерфакс» ахборот агентлиги мухбирига. — Биз нефть ва электроэнергетика бозорида ўз бизнесимизни ривожлантириш йўлида турли лойиҳалар ишлаб чиққанмиз ва бу яқин йиллар ичида «Газпром»нинг молиявий имкониятларини янада кенгайтиради.

Гумондорлар қамоқда

Кеча хабар берганимиздек, Мисрнинг Қизил денгиз қирғоғида жойлашган Дахаб дам олиш масканида уч маротаба кучли портлаш рўй берган эди. Айни пайтда маҳаллий полиция вакиллари террорчиларни қидириш ишларини бошлаб юборди. Миср Ички ишлар вазирлигидан олинган маълумотларда айтилишича, икки кун мобайнида 30 киши гумондор сифатида қўлга олинди.

Россия Ташқи ишлари вазирлиги томонидан кеча эълон қилинган баёнотда айтилишича, террористик хуруж «Миср мужоҳидлари» ташкилоти томонидан уюштирилган. Бироқ бу маълумотни ҳозирга қадар расмий Қоҳира тасдиқламади.

Иордания ХАМАСни айбламоқда

«Франс пресс» ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, Иордания ҳукумати ХАМАС гуруҳини қироллик ҳудудида террорчилик ҳаракатларини содир этишга уринганликда айблаб чиқди. Ўтган ҳафтада бир гуруҳ жангарилар чегарадан қурол-яроғ олиб ўтишаётганида қўлга олинганди. Иордания ҳукумати вакили Насер Юдехнинг баёнот беришича, қўлга олинганлардан бири айни пайтда Сурияда яшаётган ХАМАС етакчиларидан бири билан алоқада эканлиги тўғрисида кўрсатма берган.

Харирийни ким ўлдирган?

Айни пайтда Ливаннинг собиқ бош вазири Рафиқ Харирийга уюштирилган суиқасднинг ташкилотчилари ва ижрочиларини топиш юзасидан БМТ томонидан тузилган комиссия иш олиб бораяпти. Мазкур халқаро комиссия раҳбари Серж Баммерц сешанба куни Дамашқда Сурия президенти Башар Асад билан учрашди.

Ахборот агентликлари тарқатган хабарларда айтилишича, учрашув тафсилотлари ҳақидаги маълумотлар журналистларга ошкор этилмаган. «Интерфакс» хабарига қараганда, учрашувда ҳеч бир нарса суриштирилмаган, фақат ўзаро фикр алмашилган, холос.

Эслатиб ўтамиз, Рафиқ Харирийнинг ўлимида Сурия махсус хизматининг қўли бор, деб гумон қилинмоқда. Лекин Сурия етакчиси бу айбловни кескин рад этиб келаяпти.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Мактабга эътибор — келажакка эътибор

СОАТ ЭМАС, СИФАТ ҲИСОБ

2006 йилда мактабимиз муаллимлари ҳар қачонгидан ҳам кўтаринки руҳда меҳнат қилмоқдалар. Гап бу ўринда уларнинг аввалги йилларга қараганда кўпроқ моддий рағбат топаётганлигида ҳам эмас. Очиғи, жорий йил январь ойи якунланганда илгари бир текис маош олиб келган ўқитувчилар иш ҳақлари ўртасидаги тафовутлар айрим норозигарчилик ҳам туғдирганди. Биз уларга Президент қарори, ҳукумат ҳужжатларида қўйилган талаблардан келиб чиқиб тушунтирдик, яъни имкон қадар кўп соат дарс берган эмас, болаларга сифатли, мазмунли билим ўргатган ўқитувчи яхши рағбат топади.

«Демак, фидойи бўлиш, ўзимизни таълимга бағишлашимиз керак экан» — ҳамкасбларимизнинг шундай хулосага келиши учун, аввало, Юртбошимизнинг мактабга оталарча меҳрибонлиги сабаб бўлди.

Ўзингиз айтинг, мамлакатда қанчадан-қанча мактаб, ўқитувчилар бор. Улар ҳар тонг қадрдон ишхоналарига отланганларида шу таълим даргоҳининг тақдири, у ерда ўқиётган ўғил-қизлар келажаги ҳақида давлат раҳбари жон қуйдиришича, муносиб рағбат топиши ҳақида қизиқишини ўйлаб, фидойи меҳнат қилиш бурчга айланмадими?!

Юқорида тилга олинган омиллар туфайли ўқувчиларимизнинг дарсларни ўзлаштириш рейтинг кўрсаткичлари муттасил ижобий томонга ўзгариб боряпти. Биз ана шу соҳадаги натижаларни мактабга кираверишда кўзга кўринарли жойга илиб қўйганмиз. Бошқаларни қўйинг, бу кўзгу ўқувчиларни ҳам бир-биридан ўзиб кетишга чорламоқда.

Шу кунларда бутун жамоамиз мамлакат бўйлаб қизғин тус олган мусобақада фаол бўлишга интилмоқда. Яъни, «Энг обод таълим муассасаси» номинациясидаги танловда ибрат бўлиш ҳақида режа тузганмиз. Бу борада ўқувчиларимизнинг интилиши чексиз завқ-шавқ туйғусини уйғотмоқда. Ғап шундаки, мактаб ҳовлисидами, синф хонасидами, қаерда бўлмасин, гуркираб ўсаётган гуллар, гиёҳлар алоҳида синфга, аниқ бир ўқувчига топширилган. Натижада ҳам мактабимиз озода, сариштa, ҳам болалар табиатга, меҳнатга меҳр билан ўсаяпти. Инсоннинг бунёдкор қўллари нималарга қодир эканлиги ҳақида эзгу туйғуларга ошно бўлиб яшамоқдалар.

Мактабимиз тасарруфида 0,60 гектар майдонда ажойиб теракзор бор. У ерда 3 минг туп терак ўсмоқда. Яқин йиллар ичида ёғочга етилган тераклардан 1,5 миллион сўм даромад олмоқчимиз. Насиб этса, бу маблағни юксак натижаларга эришган олий тоифали муаллимларни рағбатлантиришга, аълочи болаларни мукофотлашга, мактабга ўқув қуроллари харид қилишга сарфламоқчимиз.

Орзуга айб йўқ дейдилар-ку.

Йўлдош МУҲАММАДИЕВ,
Зарбдор туманидаги 4-ўрта мактаб директори, Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

ўз маҳсулоти бўлган «МАЗ» русумли оғир юк автомобилларини, тиркагичларни, ярим тиркагичларни, автобусларни, махсус техникалар (автокранлар, автоэксковаторлар, автобетонқорғичлар...)ни ва уларнинг эҳтиёт қисмларини мижозларга етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади ва шартномалар тузади.

Барча автотехникалар учун кафолат берилади.

Лизинга ҳам!

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 700005, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «8 Март» кўчаси, 57-уй. Телефонлар: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: uzbekmaz@inbox.ru E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

Товар сертификатланган.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI
TOSHKENT VILOYATI FILIALI

сизларни 2006 йил 30 май куни соат 12.00 да Республика Кўчмас мулк биржаси Тошкент вилояти филиали савдолар залида ўтказиладиган юқорилаб борувчи очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога қуйидаги банкрот корхоналарнинг мол-мулклари қўйилади:

Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани, Ҳамза номли ширкат хўжалиги, Уяли қишлоғида жойлашган, тугатилаётган «Уяли каноп заводи» масъулияти чекланган жамиятининг мол-мулклари мулкий мажмуа сифатида қўйилади.

Бошланғич баҳоси — 117 877 200 сўм.

Мулкий мажмуа қуйидагиларни ўз ичига олади:

Маъмурий бино — майдони 420 кв.м., гараж биноси — майдони 24,5 кв.м., омборхона биноси №1 майдони 224,2 кв.м., омборхона биноси №2 — майдони 125,08 кв.м., тайёр маҳсулот омбори, бостирмаси билан — майдони 1212 кв.м., қисқа цех — майдони 1456 кв.м., узун цех биноси — майдони 2099,7 кв.м., ёнғин хавфсизлиги хонаси — майдони 153 кв.м., автотарозихона — майдони 50 кв.м., автотарозихона бостирмаси — майдони 96 кв.м., механик цех биноси — майдони 208 кв.м.

Шунингдек, бошқа ҳар хил турдаги мол-мулк, асбоб-ускуналар, майда инвентарлардан ташкил топган.

Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, 10-кичик тумани, Бобур проспекти, 3-уйдаги тугатилаётган «Чирчиқ сут» ОАЖ мол-мулклари мулкий мажмуа сифатида қўйилади.

Бошланғич баҳоси - 400 000 000,00 сўм.

Мулкий мажмуа қуйидагиларни ўз ичига олади:

Маъмурий бино — 2 қават 642,06 кв.м., ишлаб чиқариш цехи 3934 кв.м., майдони 8,51 кв.м.дан 66,64 кв.м.гача бўлган ёндош қурилган 6 та бино, сауна — майдони 445,28 кв.м., омборхоналар — 305.04 кв.м., ҳожатхона 2 та – майдони 6,76 кв.м. ва 12,96 кв.м., майдони 60,0 кв.м.дан 241,90 кв.м.гача бўлган 4 та шийпон., иссиқхона — майдони 668,30 кв.м., тозалаш иншоотлари — 280,44 кв.м.

Шунингдек, бошқа ҳар хил турдаги мол-мулк, асбоб-ускуналар, майда инвентарлардан ташкил топган.

Сотилмай қолган юқоридаги мулклар 2006 йил 6 июнь куни соат 12.00 да ташкил қилинадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қўйилади.

Шунингдек, сизларни 2006 йил 29 май куни соат 12.00 да ўтказиладиган юқорилаб борувчи очиқ аукцион савдосига таклиф этади. Тугатилаётган «Техтаъминот» очиқ акционерлик жамиятига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари умумлашган ҳолда савдога қўйилади:

т.р	Автотранспорт воситаси номи	Ишга туширилган йили	Давлат рақами	Бошланғич баҳоси, сўм	Техник ҳолати
1	Автоюкловчи ДВ 1733	1986	—	602800	носоз
2	Автоюкловчи ДВ 4014	1993	—	602800	носоз
3	Автоюкловчи ДВ 40814	1987	—	1786500	соз
4	Трактор «Т-150»	1988	—	5322500	носоз
5	Трактор «Т-150»	1988	—	5322500	соз
6	А/м «Газ 3307»	1993	11 AD 198	2586100	соз
7	Прицеп 2 тн.гача ЗпТС	1987	—	770700	соз
8	Прицеп 2 тн.гача 2пТС	1989	—	414900	соз
9	Прицеп 2 тн.гача 2пТС	1989	—	414900	соз
10	Прицеп 2 тн.гача 887Б	1990	—	414900	соз
11	Прицеп 2 тн.гача 887	1990	—	414900	соз
12	«Кавз 5376» автобуси	1982	11 AD 195	2257600	соз
13	«Зил-431412» автокрани	1990	11 AD 932	4749400	соз
	Жами автотранспорт воситалари			**25 660 500,0**	

Сотилмай қолган мулклар 2006 йил 5 июнь куни соат 12.00 да ташкил қилинадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қўйилади.

Аукцион савдоси Ангрен шаҳар, Дзержинский кўчаси, 14-уй, «Техтаъминот» очиқ акционерлик жамиятида ўтказилади. Телефон: 2-31-21, 382-89-14.

Аукцион савдосида қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар Республика Кўчмас мулк биржаси Тошкент вилояти филиалига тақдим этилиши лозим.

- *кўрсатилган мулкларни сотиб олиш учун ариза;*
- *савдо ташкилотчиси ҳисоб рақамига объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пули тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;*
- *талабгорнинг ҳуқуқий ҳужжати нусхаси.*

Ушбу мулкий мажмуалар савдосида қатнашиш учун ариза ва 10 фоизлик закалат пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

Имкониятингизни бой берманг!

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.
Телефон: 133-28-52, 133-77-18, 133-49-31, факс: 133-43-73.

2530/776

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади:

Наманган вилояти Наманган шаҳридаги «Тинчлик» марказий майдонини қайта қуриш.

Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан — 919 108 900 сўм.
Қурилишни якунлаш муддати — 2006 йил 1 сентябрь.
Буюртмачи — Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси. Телефонлар: (8-3692) 26-63-03, 33-77-06.

Қурилиш ишлари Наманган вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи» инжиниринг компаниясига ажратилган маҳаллий маблағ ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдоси предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти консалтинг марказига қуйидаги манзилга: **Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача мурожаат қилиш мумкин.**
Тел./факс: (8-3692) 26-14-50, 26-47-91.

Танлов ҳужжатларининг битта тўплами нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.
Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган ш., А.Хўжаев к., 59-уй.

2529/757

Исломободда электрон савдо майдончаси иш бошлади

19 апрель куни Покистон пойтахтининг «Blue Area» ҳудудидаги тижорат марказида Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржасининг илк савдо майдончаси очилди. Унинг иш бошлаши мамлакат ишбилармонларига www.uzex.com расмий интернет сайти орқали «on-line» тизимида электрон тарзда биржадаги савдо лотлари, котировкалар тўғрисида ахборот олиш, савдо-сотиқ жараёнида бевосита иштирок этиш, экспорт контрактларини рўйхатдан ўтказиш имконини беради. Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси майдончаси Покистоннинг «Rikaz LTD» компанияси ҳамда Исломобод савдо-индустриал палатаси билан ҳамкорликда ташкиллаштирилди.

Унинг расмий очилиш маросимида Электрон биржа савдо маркази директори Шоира Маҳмудова, «Rikaz LTD» компанияси президенти Обид Танвир Раджа, Исломобод савдо-индустриал палатаси вице-президенти Малик Суҳайл Ҳусайн Ўзбекистон товар-хомашё биржаси билан Покистон компаниялари ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Покистон Россия, Қирғизистон ва Тожикистондан кейин Ўзбекистон товар-хомашё биржасининг электрон савдо майдончаси фаолият юрита бошлаган тўртинчи мамлакат бўлди. Майдончанинг очилиши икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг фаол ривожланаётганидан далолат беради.

"Жаҳон" АА,
Исломобод.

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари қўмитаси, «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси, «Ўзқишхўжтаъминоттаъмирлаш» давлат концерни, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси вилоят бошқармалари бошлиқлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг вилоятлардаги бўлимлари бошлиқлари, электр тармоқлари корхоналари раҳбарлари ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари бошлиқлари, касб-ҳунар коллежлари директорлари, халқ таълими бошқармалари, давлат ташкилотлари, корпорациялар, банклар, қўшма ва хусусий корхоналар раҳбарлари диққатига!

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ РЕКТОРАТИ

2005-2006 ўқув йилида битирувчи бакалавр ҳамда магистрларни йўлланмалар асосида ишга тақсим қилишга киришилди. Институтда билим олган бакалавр ва магистрлар мамлакатимиз аграр соҳасида қўлланилиб келаётган замонавий техника ва технологиялар билан кенг таниш бўлиб, иш фаолиятини бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ташкил қилишда мукаммал назарий ва амалий билимларга эга бўлган мутахассислар ҳисобланади.

Бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган бакалавр ва магистрларга эҳтиёжи мавжуд бўлган корхона раҳбарлари талабнома ва сўров хати билан институтга мурожаат этишлари мумкин.

Талабномангизни 2006 йил 20 майга қадар тақдим этишингизни сўраймиз.

Сизнинг эътиборингизга ёш кадрларнинг вилоятлар бўйича маълумотларини илова қиламиз.

Маълумот учун телефонлар: 137-09-85, 137-19-29.
Манзилимиз: Тошкент ш., Қори Ниёзий к., 39-уй, Тошкент Ирригация ва мелиорация институтининг маркетинг бўлими.

2005-2006 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРУВЧИ БАКАЛАВРЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Т/р	Таълим йўналишлари (мутахассисликлар) номи	Битирувчиларнинг умумий сони	Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон	Бухоро	Жиззах	Навоий	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент ш.	Фарғона	Хоразм	Қашқадарё	Тошкент вил.
1.	Сув хўжалиги ва мелиорация	76			6	2	1	3		11	1	26	4	4	4	14
2.	Фермер хўжалигини ташкил этиш ва унга сервис хизмати кўрсатиш	22	1	1		1		2	1	5	1	2		1	1	6
3.	Атроф-муҳит муҳофазаси	17				3				1		10			1	2
4.	Экология ва табиатдан фойдаланиш	13		1	1						1	3			7	
5.	Касб таълими: сув хўжалиги ва мелиорация	11				1	1			1		7		1		
6.	Бино ва иншоотлар	25				1	1		1	1		13		3	2	3
7.	Гидроэнергетика	19	1		1					1	1	11				4
8.	Иқтисодиёт (сув хўжалигида)	47	1	1					2	4		24	2	5	6	2
9.	Менежмент (сув хўжалигида)	70	3	1		3		1	2	3	3	43		6	4	1
10.	Бухгалтерия ҳисоботи ва аудит	22	1							2		11	2	4		2
11.	Маркетинг	18			1				1	3	1	8			2	2
12.	Энергия тежаш, электротехник тизимлари ва мажмуалари	12			2			1			3	5				1
13.	Қишлоқ ва сув хўжалиги электр энергетикаси	33		1	3	1			1	1		12		1	6	7
14.	Қишлоқ ва сув мелиорация ишларини механизациялаш	24			1		1			4		12		2		4
15.	Ҳаётий фаолият хавфсизлиги	18					3	1		1		9		1		3
16.	Касбий таълим: (қишлоқ ва сув хўжалиги электр энергетикаси)	12					1		1	1		2			3	4
17.	Геодезия, картография ва кадастр (сув хўжалигида)	27	2			1	2	2		4		11			2	3
18.	Ер тузиш ва ер кадастри	42	1		3	1	1	2	4	4	1	11	1	2		11
19.	Касбий таълим: Ер тузиш ва ер кадастри	6	1		1				1						1	2
	Жами	**514**	**11**	**5**	**19**	**14**	**11**	**12**	**14**	**47**	**12**	**220**	**9**	**30**	**39**	**71**

2005-2006 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРУВЧИ МАГИСТРЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Т/р	Таълим йўналишлари (мутахассисликлар) номи	Битирувчиларнинг умумий сони	Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон	Бухоро	Жиззах	Навоий	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент ш.	Фарғона	Хоразм	Қашқадарё	Тошкент вил.
1.	Ер тузиш ва ер кадастри	10							1		1	4			2	2
2.	Сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва уларнинг муҳофазаси	3										3				
3.	Мелиорация ва суғорилади-ган ерлар деҳқончилиги	2												1	1	
4.	Сув кадастри	2		1		1										
5.	Гидромелиорация тизимларидан фойдаланиш	4						1				1		1		1
6.	Тармоқлар иқтисодиёти	12	2	1					1			4		1	3	
7.	Менежмент	18								1		11			2	4
8.	Бухгалтерия ҳисоби	10	2	2		1	1					3			1	
9.	Электр таъминоти	9		1	1							3		1	1	2
10.	Гидравлик машиналар ва гидропневмо агрегатлар	6	1					1	1			1		1		1
11.	Гидротехника қурилиши	6	1		1							1		1		2
12.	Кичик ва ўрта ГЭСлардан фойдаланиш	1							1							
13.	Гидротехника ва мелиорация қурилиши	5													1	4
14.	Гидромелиорация	3										1			2	
15.	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш	3	1	1		1										
16.	Мелиорация, рекультивация ва ерлар муҳофазаси	2												1	1	
17.	Атроф-муҳит муҳофазаси	9	2		1				1					3	1	1
18.	Атроф-муҳит муҳофазаси (халқаро магистратура)	10	5									5				
	Жами	**115**	**14**	**6**	**3**	**3**	**1**	**2**	**5**	**1**	**1**	**37**		**10**	**15**	**17**

2529/757

Хўжаобод гипси

Тиббиётда, қурилишда ноёб ҳисобланган гипс илгари валюта эвазига четдан келтирилар эди. Хўжаободлик тадбиркорлар гипс ишлаб чиқаришни йўлга қўйгач, ички бозор ўз маҳсулотимиз билан тўлди. Ҳозир туманда 4 та гипс ишлаб чиқарадиган цех фаолият кўрсатмоқда. Яқинда улар сафига яна бир тадбиркор — Шаҳобиддин Мадраҳимов ҳам қўшилди. Унинг илғор технологиялар билан жиҳозланган цехида ҳам шу маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Бундан ташқари, Ш. Мадраҳимовнинг юзлаб ишчиларни ўз атрофига жамлаган 8 та ғишт пишириш цехи вилоятда қад ростлаган коллежлар, академик лицейлар ва бошқа иншоотларни сифатли, пишиқ қурилиш материаллари билан таъминлаётир.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари, Жиззах вилояти туманлари, Жиззах шаҳридаги ташкилотлар, корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, банклар, банклар ассоциацияси, қўшма ҳамда хусусий корхоналар раҳбарлари, вилоят касб-ҳунар коллежлари директорлари диққатига!

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ РЕКТОРАТИ

2005-2006 ўқув йилида институтни давлат грантлари асосида битирувчи бакалавр ва магистр кадрларни йўлланмалар асосида ишга тақсимлашга киришмоқда.

Институтни битираётган бакалавр ҳамда магистрлар республикамиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўлланиб келаётган замонавий техника ва технологиялар ҳақидаги тегишли билим ҳамда малакага эга. Улар ўз иш фаолиятларини бозор иқтисодиёти талаблари асосида ташкил қилиш имкониятларига эга бўлган кадрлар ҳисобланади.

Қуйидаги кадрларга эҳтиёжи бўлган меҳнат жамоалари талабнома ва сўров ҳати билан институт ректорига мурожаат қилишлари мумкин.

Талабномангизда сиз раҳбарлик қилаётган корхона, ташкилот, уюшма, хўжаликларни ёш мутахассисларга қандай имтиёзлар (турар-жой билан таъминлаш, қўшимча иш ҳақи ва бошқалар) яратиб бера олиш мумкинлиги ҳам баён этилиши керак. Бу маълумотларни 2006 йилнинг 15 майига қадар тақдим этишингизни сўраймиз.

Қуйидаги жадвалда ёш кадрларни республика вилоятлари ва Жиззах вилояти туманлари бўйича тақсимланиши ҳақидаги маълумотлар келтирилмоқда.

БАКАЛАВРИАТ БЎЙИЧА

№	Таълим йўналишлари	Жами битирувчилар	Арнасой	Бахмал	Ғаллаорол	Дўстлик	Жиззах т.	Жиззах ш.	Зарбдор	Зафаробод	Зомин	Мирзачўл	Пахтакор	Фориш	Бошқа вилоятлар: Тошкент вилояти	Бошқа вилоятлар: Самарқанд вилояти
1.	Касбий педагогик таълим (кимёвий технология)	5			2		2	1								
2.	Касбий педагогик таълим (енгил саноат маҳсулотлари технологияси)	2					1	1								
3.	Касбий педагогик таълим (муҳандислик коммуникациялари қурилиши)	3		1	2											
4.	Касбий педагогик таълим (электроэнергетика)	2	1						1							
5.	Касбий педагогик таълим (ахборот ва ахборот технологиялар)	4					3	1								
6.	Касбий педагогик таълим (транспорт воситаларини ишлатиш)	3						1	1					1		
7.	Енгил саноат маҳсулотлари технологияси (рус)	1												1		
8.	Енгил саноат маҳсулотлари технологияси	5				1	1	2						1		
9.	Кимёвий технология, биотехнология	4					1	3								
10.	Бино, саноат иншоотлари қурилиши	2						2								
11.	Бино, саноат иншоотлари қурилиши (рус)	1						1								
12.	Шаҳар қурилиши ва хўжалиги	4					1	2	1							
13.	Муҳандислик коммуникациялари қурилиши	5					3	2								
14.	Экология ва табиатдан фойдаланиш	4						3						1		
15.	Электроэнергетика	5			1		1	2							1	
16.	Қурилишда менежмент	9			1			5	1	1	1					
17.	Транспортда менежмент	4		1				1					1		1	
18.	Транспорт воситаларини ишлатиш	12		1	1		1	2								7
19.	Агроинженерия	5			2		2	1								
20.	Фермер хўжалиги	4					2	1	1							
	Жами	**84**	**1**	**3**	**9**	**1**	**18**	**31**	**5**	**1**	**1**		**1**	**4**	**2**	**7**

МАГИСТРАТУРА БЎЙИЧА

№	Таълим йўналишлари	Жами битирувчилар	Арнасой	Бахмал	Ғаллаорол	Дўстлик	Жиззах т.	Жиззах ш.	Зарбдор	Зафаробод	Зомин	Мирзачўл	Пахтакор	Фориш	Бошқа вилоятлар
1.	Автомобиль ва автомобиль хўжалиги	1			1										
2.	Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар	1					1								
3.	Менежмент (тармоқлар бўйича)	1						1							
4.	Деҳқончиликни механизациялаштириш	1					1								
5.	Электрокимёвий ишлаб чиқариш	1					1								
	Жами	**5**			**1**		**3**	**1**							

Бизнинг манзилимиз: Жиззах ш., Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси, Жиззах политехника институти. Телефон: 8 (372) 226-49-82, факс: 8 (372) 226-45-47.

2523/782

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАЛАРИ, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМЛАРИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ВА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАЛАРИ БОШЛИҚЛАРИ, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ, КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ВА МАКТАБ ДИРЕКТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРАТИ

2005-2006 ўқув йилида давлат гранти асосида таҳсил олаётган битирувчиларни ишга жойлаштиришни бошламоқда.

2006 йил 10, 11, 12 май кунлари соат 10.00 дан 12.00 гача университетнинг 4-бино, 5-залида битирувчиларнинг тақсимоти ўтказилади. Педагог кадрларга эҳтиёжи мавжуд бўлган таълим муассасалари раҳбарлари тақсимотга таклиф этиладилар.

Университетимизда билим олган бакалаврлар замонавий инновацион технологиялар билан таниш бўлиб, ундан педагогик фаолиятда фойдаланиш, ёшлар билан ишлаш малакасига ва тажрибасига эга бўлган мутахассислардир. Университетни тамомлаган ёш мутахассислар ҳозир республикамизнинг барча ҳудудларида ўз танлаган йўналишлари бўйича фаолият кўрсатмоқдалар.

Сизнинг эътиборингизга таълим йўналишлари бўйича статистик маълумотларни илова қиламиз.

Маълумот учун телефонлар: 55-55-77, 55-50-77.

2005-2006 ўқув йилидаги кундузги бўлим битирувчилари ҳақида вилоятлар бўйича маълумот

БАКАЛАВР — ГРАНТ

№	Таълим йўналиши	Битирувчиларнинг умумий сони	Вилоятлик битирувчиларнинг сони	Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон	Бухоро	Жиззах	Навоий	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент	Фарғона	Хоразм	Қашқадарё	Тошкент ш.	Бошқа давлатлар
1.	Математика ва информатика	62	52			3	2	1		10	3		18		3	12	10	
2.	Физика ва астрономия	28	21			1	1	3	2	1	1		6		1	5	7	
3.	Кимё ва экология	35	33	2		10		1	1	2			4		4	9	2	
4.	Биология ва инсон ҳаётий фаолиятининг муҳофазаси	34	31	1		9	2	1	1	3			1	2	4	7	3	
5.	География ва иқтисодий билим асослари	33	30	1			5	1		5	3		11		2	2	3	
6.	Тарих.	37	25			6	1			6	1		4		3	4	12	
7.	Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси	15	6				2				1		3				9	
8.	Педагогика ва психология	67	30	2		4		1	2	1	2		9	1	1	7	37	
9.	Машинасозлик	78	65	4		5	2	6		8	1	3	23	3	1	9	13	
10.	Амалий санъат	7	2							1			1				5	
